

Андрей Наливайко Ички ишлар вазирлигига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасида дуратор бўлиб ишларди. 1994 йил октябрида иш жойида бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Ишчи айланма ардада ёғочга ишлов бераётганди. Қутилмаганда ёғочнинг бир бўлаги отилиб, кўзию қоғоғи аралаш зарб билан урилди. Андрейга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, шовиштин равишида касалхонага ётқизилди. У бир неча ой даволанди. Шундан сўнг меҳнат тиббий-экспертисасига юборилди. Шифокорлар ишчини синчковлик билан назоратдан ўтказган, 3-гурӯх ногиронлигини тайин этдилар. Демак, А.Наливайко иш қобилиятини 50 фойизга йўқотди.

Орадан муайян вақт ўтгач, ғайрати жўшиб ишга тушиб кетди. Пировард натижага яраша маошини олиб юрди. Бироқ вақт ўтиши билан яна соғлиги ёмонлашди. Охир оқибат бўшаш ҳақида ариза беришга мажбур бўлди.

Йигитга нисбатан адолатсизлик қилинганди. Негаки, қоида бўйича бахтсиз ҳодиса содир бўлган, тегишли далолатнома тузилди. Бу демак, ишлаб чиқаришда шикастланганлик учун унга бир йўла тоvon пули тўлиниши, соғлиғига путур еткани учун эса яна пул маблағи берилиши лозим эди. Бахтга қарши, бу ҳақда ҳеч ким жон қойитмади. Андрейнинг ўзи эса бу каби ҳуқуқларини билмас экан. Яхшилар маслаҳати билан Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари кенгашига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мақсуд касабаси уюшманинг нозирлари йигитни ҳимояга олдилар...

Аслида бу ишни инсонгарчилик ҳолатидан қорхона мутасаддиларининг ўзлари қилишлари керак эди. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддасида шундай дейилади: «Мазмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва миқдорда қорхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун тоvon тўлайди...»

Шуларнинг ҳаммасини қорхона раҳбарлари билиб ўзларини билмасликка олдилар. Ишчи - инсон манфаати ҳимоя қилинмади. Фақатгина касабаси уюшмалари ҳаракатга келганидан кейингина инсофга келишди. Адолат қарор топди. Умуман, Андрей Навейкога 25 минг сўмдан ортиқ тоvon пули белгиланди. Шунингдек, ҳар ой учун нафақа тайинланди.

ЭРТАНГИ КУН МАСЪУЛИЯТИ

16 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов амалий ташриф билан Туркманистонда бўлди

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги бугунги муносабатлар ҳақида сўз юритишдан олдин муҳим бир жиҳатни эслаш керак бўлади. Айни замонда Марказий Осиё мамлакатлари деб аталаётган давлатларнинг илдизи битта - Туркманистон. Шу сабабли бугунимизни ҳам, келажакимизни ҳам айри-айри тасаввур этиб бўлмайди. Қолаверса, ХХ аср сўнгига келиб дунёда давлатларнинг алоҳида-алоҳида эмас, балки минтақа-минтақа бўлиб, бир бутун бўлиб ривожланиш аниқани кузатилаётди. Шу боис Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаш, сиёсат, иқтисодий, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш каби масалаларда баҳамжихат иш қилиш оғани, қардош давлатларнинг ҳар бири учун табиий заруратдир. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурод Ниязов ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳкама этилган масалалар, билдирилган фикр-мулоҳазалар бунини яна бир қарра тасдиқлади.

Мулоқот чоғида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, шу кунгача икки давлат ўртасида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш механизминини тақомиллаштириш, шунингдек, маданий-маънавий алоқаларни бунданда чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар атрофида муҳкама этилди. Президентлар ўзаро муносабатларни янада мустақамлаш ҳар икки мамлакат учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бунинг учун эса давлатларимизда зарур салоҳият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли.

Туркманистон Президенти саройи - «Туркманбози кўшиги»да бўлиб ўтган учрашув натижасида Ислам Каримов журналистларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, икки давлат учун ҳам бирдек аҳамиятга эга муҳим масалаларга тўхталди.

«Биз учун асосий масала - минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ, - деди давлатимиз раҳбари.

«Хусусан, Афғонистондаги бугунги мураккаб вазият, нотинчлик ҳаммасини жиддий ташвишга солади. Шу боис биз мамлакатларимиз хавфсизлигига дахл қилмаган хавф-хатарни батамом бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўришга, бу борада бамақсад иш юритишимиз лозим. Бир сўз билан айтганда, вазирамиз шундан иборатки, мамлакатларимиз тараққиёт, халқларимиз фаровонлиги учун нимаки лозим бўлса, шунини муҳайё этганимиз зарур.

Шу ўринда бир ҳолни таъкидлаб ўтиш керак. Қўшни мамлакатларга Афғонистондаги уруш уқулларининг ён атрофга сачраши хавфига нафақа қўлади. Унинг қозонида қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, экстремизм, диний фанатизм каби унсурлар борки, мулоҳаза этиб, ўшбу хавфнинг нечоғлиқ жиддий эканини тушуниш қийин эмас.

Президентлар Афғонистон муаммоси

бўйича ўз муносабатларини баён этишар экан, афғон моҳирлари фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилмоғи зарурлигини яна бир бор таъкидлаб, бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби Кофи Аннан илгари сурган ташаббусни қўллаб-қувватлаётганини айтдилар.

Музокараларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо алоқаларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хўш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш нималарга боғлиқ? Аввало, ўзаро коммуникация, хусусан, транспорт коммуникациясини ривожлантириш керак. Қолаверса, икки қўшни давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши қишлоқ ва сув ҳўжалиги билан боғлиқдир.

Мутахасссларнинг фикрича, жорий йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги ўзаро махсудли айирбошлаш ҳажми 90 миллион АҚШ долларига етиши мўлжалланаётди. Ўзаро иқтисодий алоқаларимизни янада юксалтириш учун имкониятлар етарли. Энг муҳими, бунинг учун давлатларимиз ўртасида мустақам ҳуқуқий замин яратилган.

Кези келганда Туркманистоннинг бугунги кунини ҳақида тўхталиб ўтсак. Билмизки, Туркманистон ўзини нейтрал давлат деб эълон қилган. Унинг ҳам, бошқа янги мустақил давлатлар қатори ўзига яраша жиддий муаммолари, ташвишлари бор. Мамлакат иқтисодиётини юксалтириш бўйича ҳали амалга оширилиши зарур ишлар талайгина. Мамлакатга нефт ва газ махсудотларидан салмоқли даромад келади. Шунингдек, бугун бу ерда хориқлик шериклар билан ҳамкорликда қурилган тўқимачилик фабрикалари самарали фаолият кўрсатаётди. Пойтахт шаҳар - Ашгабатда кейинги йилларда қад ростлаган хашаматли бинолар, меҳмонхоналар, бугунги кунда ҳам давом этаётган улкан бунёдкорлик ишлари кишининг эътиборини тортади. Бу бунёдкорликни раъий маънода Туркманистон халқининг эртанги кунга бўлган ишончи, деб таърифлаш мумкин.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ҳар икки давлат манфаатларига ҳам бирдек мосдир. Энг асосийси, бу савдо-иқтисодий алоқаларнинг замирида битта жиҳат - эртанги кун масъулияти, келажак авлод олдидаги жавобгарлик ҳисси ётади.

Ўзаро алоқаларни мустақамлаш, мавжуд муаммоларни баҳамжихат бартараф этиш мамлакатларимиз мустақиллигининг бардаволиги, давлатларимиз раънақи учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.

«Пахта-98»

Қаҳрамон бошлиқ бригада зафари

Жиззах туманидаги Х.Носиров номи жамоа ҳўжалигининг Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов бошлиқ бригада пахтакорлари маррага етди. Мавжуд 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги байрами арафасида менга давлатимизнинг юксак мукофоти - Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган эди, дейди бригада бошлиғи П.Зиётов. - Бу мукофот менингимизга эмас, балки барча пахтакорларимизни юксак меҳнат зафарларига руҳлантириб юборди. Пахта топшириш режаси бажарилди. Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Бригадамиз аъзолари ялпи хирмонни 300 тоннага етказиш иштироқида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Йўлчи ЖўРА,
ЎЗА мухбири.



Янгийўл тумани пахтакорлари бу йил эл хирмонига 19 минг тоннадан зиёд ҳосил топширишга азму қарор қилишган. Юксак хирмонни тиклаш йўлидаги қурашда «Ниязов» жамоа ҳўжалиги қарвонбошлиқ қилмоқда.

Суратда: ҳўжалиқнинг илгор теримчиси Мелижон Мелибоева. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Касаба уюшмалари қўмиталарида

Яқинда Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раёсати, Ўзбекистон қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқўжтаъминоттаъмирлаш» давлат кооператив қўмитаси, «Ўздормаҳсулот» давлат ҳиссасдорлик корпорацияси, «Ўзметсабазовотузмасноат-ҳолдинг» компанияси ва республика деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмаси кенгашилари шу йил галлачиликда ташкил этилган меҳнат кўриги голибларини аниқладилар.

Шулардан бири Избосқан туманидаги А.Тиллабоев жамоа ҳўжалиги ижарачиси Тилаболди Ниязовдир. У киши 11 гектар экин майдонига «Юна» навли бугдой экди. Режа бўйича 60 тонна ўрнига 106 тонна уруғлик ҳосили олишга эришди. Ҳо-

ди. Муҳими бир центнер бугдойнинг таннархи бор-йўғи 581 сўмга тушди.

Барча агротехник қоидаларига риоя қилган ҳолда

ГОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ!

силдорлик гектарига 96,4 центнергача етди.

Голиблар қаторидан ўрин олган Пойрайқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг пудратчиси Саидкул Нуркулов ҳам 5 гектар экин майдонига «Улғбек-600» навли бугдой экиб, мўл ҳосил етиштир-

галла етиштирган Хонка туманидаги «Галаба» очик турдаги ҳиссасдорлик жамаиати фермери Ражаб Абдуллаев ҳам кўрик голиби, деб топилди. У ҳам 5 гектар ерга «Юна» навли бугдой экиб, гектаридан 75 центнер ҳосил кўтаришга эришди. Натижада давлат-

та 10 тонна ўрнига 25 тонна сара бугдой сотилди.

Ромитан машина-трактор парк механизатори Нусрат Бозоров ўзининг «Кейс-2166» комбайнида мавсум давомида 1155 гектар майдондаги галлани ўриб берган. Унинг умумий ўрган галласи 3976 тоннани ташкил этган.

Ўқоридаги илғорлар «Галла-98» кўриги голиби, деб топилдилар. Мукофот тарикасида ҳар бир голибга рангли телевизор, касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва бошқа вазирлик, қўмита, корпорация, компания ҳамда уюшмаларнинг фахрий ёрликлари бериладиган бўлди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

«Қораўзақ» ва «Эсимўзақ» қишлоқ ҳўжалиги ижарачилар уюшмалари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар.

Асосан шўлиқчиликка ихтисослаштирилган «Қораўзақ»ликлар 200 гектардан 500 тонна, «Эсимўзақ»ликлар эса 150 гектардан 300 тонна хомашё йиғиштириб олдилар. Ҳосилнинг ҳаммаси юқори навларга сотилди.

Ҳар иккала ҳўжалик аъзолари режадан ортиқ 200 тоннадан пахта топшириш мақсадида йиллик терини уюшқоқлик билан давом эттирмоқда.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ва Туркманистон Президенти С.Ниязов музокаралари яқунларига доир ҚЎШМА КОММЮНИКЕ

1998 йил 16 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Туркманистон Президенти С.Ниязовнинг тақлифига биноан Туркманистонга амалий ташриф бурди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки қардош давлатларнинг раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва тараққиёт уқулларини муҳкама қилдилар, минтақавий ва халқаро дарадаги долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Иккала мамлакат раҳбарлари яхши қўшничиликдаги ҳамкорлик иккала давлатнинг ҳам узоқ мuddатли манфаатларига тўла мос келишини яна бир бор таъкидлаш билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистон халқларининг чуқур тарихий ва маданий умуийлигига асосланган ўзбек-туркман шериклигини келажакда янада чуқурлаштириш учун етарли салоҳият борлигини уқтириб ўтидилар. Шу муносабат билан давлатларнинг раҳбарлари барча йўналишлар бўйлаб икки томонлама ўзаро ҳаракат учун залворли шартномавий-ҳуқуқий база мавжудлигига алоҳида тўхталиб ўтишди.

Бунинг учун эришилган келишувлар амалий ижроси механизмлари тақомиллаштириш зарурлиги айтиб ўтилди. Маънавий-маданий алоқаларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга, бу борада қўшма тadbирлар ўтказиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатларнинг раҳбарлари савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш мақсадида транспорт ва бошқа коммуникацияларни янада ривожлантириш муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Президентлар иккала мамлакатнинг икки сиёсий ва давлат тараққиёт масалаларини муҳкама қилдилар. Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистонда сиёсий ва демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлида ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг кенг қуламли дастурини рўбга чиқариш учун амалий ҳаракатлар зарурлиги ўз тасдиғини топди.

Томонлар Афғонистонда давом этаётган ҳарбий зиддиятлардан чуқур ташвиш билдириб, ўшбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликнинг тезроқ ўрнатилиши жабрдийда афғон халқи манфаатларига хизмат қилишини ва бу, шубҳасиз, минтақавий хавфсизликни мустақамлашга ҳам мос келишини таъкидладилар.

Президентлар БМТ Бош қотиби К.Аннанининг Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашларини билдирилди.

Давлатларнинг раҳбарлари халқаро терроризм, нарқобизнес, зуравонлик ва экстремизм гоғларини, ноқонуий қурол-яроғ савдоси каби хавфларга қарши кураш борасида ҳамкорликни мустақамлаш ҳамда қўнларни биргаликда мувофиқлаштиришни ёқлаб фикр билдирилди. Бу йўналишда қўшма амалий чоралар қўрилиши учун ҳар иккала мамлакатнинг тегишли давлат органларига аниқ топшириқлар берилди.

Томонлар ўзларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш борасидаги йўналишни қатъий давом эттиришда яқдилликларини баён қилиб, икки томонлама ва кўп томонлама халқаро алоқаларни кенг ривожлантириш асосида минтақавий ҳамкорлик, турли халқаро ташкилотлар ва анжуманларда бир-бирларини ўзаро қўллаб-қувватлашларини билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон Президентларининг музокаралари иккала давлат раҳбарларининг муносабатлари учун алоҳида аҳамият касб этган, аниқнавий, ўзаро тушуниш ва фойдали мулоқот муҳитида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркманистон Президенти С.Ниязовга самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, уни Ўзбекистон Республикасига ўзи учун қулай пайтда ташриф буюришини таклиф қилди. Таклиф миннатдорлик билан қабул қилинди, ташриф мuddати дипломатик алоқалар йўли билан келишиб олинди.

Ашгабат, 1998 йил 16 октябрь.

Янги корхона тақдироти

Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги арафасида Фарғона механика заводида янги цех очилди. Унда Асакадаги автомобиллар заводида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас» ва «Тико» автомобиллари учун тўрт турдаги дисклар ишлаб чиқарилади. Янги корхона бунёд этишда 23,5 миллион долларлик курилиш-монтаж ишлари бажарилди, хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Зарур хомашё Германиянинг «Круп» фирмаси ва Финландия корхоналаридан олиб келинади. Цех тўла қувватга эришгач, 150 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Янги цех тақдироти маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

Расулжон КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

Тезкор шарҳ

ГРУЗИЯДА ҲАРБИЙ ИСЁН КЎТАРИЛДИ

Яқшанбадан душанбага ўтар кечаси Грузия мудофаа вазирлигига қарашли Сенаки мотоўқчи батальонининг бир гуруҳ ҳарбийлари ҳукуматга қарши исён қўтарди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, исёнга Грузиянинг марҳум президенти Звиад Гамсахурдия тарафдорлари бўлган ҳарбий тузилманинг собиқ раҳбарларидан бири Акакий Элиава раҳбарлик қилган.

Исёнчилар Сенаки танк қисмларига ҳужум уюштириб, 10 та танк ва учта зирҳли техника ҳамда 50 тача автоматни, ички ишлар вазирлигидан эса 20 та яқин автоматни қўлга киритган. Жами 200 нафардан иборат исёнчи ҳарбийларнинг бир қисми Самтредиа шаҳрига қараб йўл олган ва Цхенискали дарёси атрофида жойлашиб олган. Грузия миллий теле-

видениеси тарқатган хабарга қараганда, президент Эдуард Шеварнадзе қарор билан мамлакат қуролли қўчалари тўлиқ жанговар ҳолатга келтирилган. Мамлакат раҳбари исёнчиларни қуролларини топшириш ва доимий қароргоҳларига қайтишга даъват қилди. Аке ҳолда эса исёнчиларни қуролсизлантириш учун барча зарур чоралар қўлланилади, деб огоҳландилар.

Айни пайтда Грузия гарбиде яузата келган вазиятни аниқлаш учун у ерга Грузия мудофаа вазири, генерал-лейтенант Давид Тевзадзе ҳамда республика давлат хавфсизлиги вазири Жамол Гахокидзе жўнатилади. Грузия ҳукумати мамлакатдаги вазиятни ўз назорати остида сақлаб турибди. Агар зарурат тугил-гудек бўлса, республикада фавқулодда вазият эълон қилиниши мумкин.

Грузияда ҳарбий исён билан боғлиқ яна бошқа воқеалар ҳақида ҳам хабарлар бор. Масалан, исён қў-

тарилганидан кейин икки соат ўтар-ўтмас шахси номаълум бўлган бир гуруҳ ҳарбийлар Зестафони шаҳридаги кимё батальонига ҳужум уюштирган ва навбатчи зобитларни қалтаклаб 15 донна автоматни олиб кетган. Мамлакат мудофаа вазирлигидан маълум қилинишича, ҳужум оқибатида кимё батальонининг алоқа тизими ишдан чиққан.

Президент Эдуард Шеварнадезининг Фарбий Грузия бўйича вакили Теймураз Шашиншвили исёнчилар раҳбари А.Элиава билан музокаралар олиб бориши учун Кутаисдан Самтредиа шаҳрига келган. Бироқ, ҳали музокаралар бирор натижа бермасдан бурун Теймураз Шашиншвили исёнчилар томонидан гаровга олинди, қабилидаги миш-миш тарқалди. Президент маҳкамаси ҳодимлари ўшбу хабарини рад этиб, Т.Шашиншвили Самтредиа тумани маъмурияти раҳбарлари ҳамроҳлигида исёнчилар билан музо-

кара олиб бормоқда, деб таъкидлади.

Сенаки шаҳрида қўтарилган ҳарбий исён тўғрисида Грузия ички ишлар вазирлигининг барча бўлималари қазарма ҳолатига келтирилган. Пойтахтдаги почта, телеграф, телевидение, парламент ва бошқа ишоотлар, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган автомагистралларни қўриқлаш қўчатирилди. Грузия мудофаа вазири Д.Тевзадзе ва республика хавфсизлик вазири Ж.Гахокидзе раҳбарлигида исёнчиларни зарарсизлантириш бўйича зарур чоралар қўрилатиб.

Грузия давлати раҳбарининг маъбуот хизмати тарқатган баёнотда айтилинишича, исёнчиларнинг ҳаракати мамлакатда барқарорликни келтириб чиқариш мақсадида уюштирилган. Бироқ бунинг ортида қандай сиёсий қўчалар тургани ҳақида сўз бормайди.

Самтурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидан борар эканмиз, республикамизда суд тизимини жазоловчи органдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш йўлида давлатимиз олиб бораётган ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкамлаш мақсадида тузилган қатор давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолият юрита бошлагани билан ҳам кўзга ташланмоқда. Судьялар Ассоциацияси ана шундай жамоа ташкилотлари жумласидандир.

СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

1996 йил Олий Мажлиснинг VI сессиясида Республика Президентини Ислоҳ Каримов суд тизимини келажакда янада демократлаштириш, суд ислохотларини чуқурлаштириш ҳақида гапириб, суд органлари одамларни жазоловчи органдан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантириш лозимлиги, келажакда Судьялар Ассоциациясини ташкил қилиш, худди шу хилдаги халқор ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш ҳақида тўхталган эдилар. Шундан кейинки Судьялар Ассоциациясини ташкил қилиш юзасидан Ташкил қўмита тузилиб, Ассоциациянинг Ниёзи ва судьялар этикаси қоидалари ишлаб чиқилди. 1997 йил 12 сентябрь кунин Туркистон саройида Ассоциациянинг таъсис съездида Ўзбекистон Республикаси Судьялар Ассоциациясини ташкил қилишда, Судьяларнинг аста-секин ўз ўзини бошқаришга ўтишини таъминлаш ҳақида суд ҳокими янада мустаҳкамлашдан иборат эди. Шунингдек, Ассоциация зиммасига судьяларни ҳар хил таъкирлардан ҳимоялаш, суд фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, қадрлар малакасини ошириш, ҳуқуқий ислохотлар билан боғлиқ қонунларни ишлаб чиқишда фаол иш-

тирок этиш, мавжуд қонунларни янада такомиллаштириш ва уларни халқор меъёрига мослаштириш борасида тегишли ваколатли органлар орқали Олий Мажлисга таклифлар киритиш, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш каби, муҳим вазифалар юклатилди. Аҳолининг ҳуқуқий савиясини кўтармай туриб унинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Чунки ўз ҳуқуқини билмайдиган шахс ҳеч қачон судга ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини сўраб мурожаат қилмайди. Ассоциация Ниёзидаги киритилган муҳим масалалардан яна бири халқор ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир ишнинг қонунга асосланган ҳолда ҳал қилинишига эришиш, суд амалиётида ўрнатилган илгор тажрибаларни судьялар орасида кенг оммулаштиришдан иборатдир.

Ассоциация Марказий Кенгаши-нинг бошқарув органи ҳисобланади. Кенгаш аъзолари 25 кишидан иборат. Унинг таркибига ҳар бир вилоятдан, ҳамда Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Ҳарбий судлардан

вакиллар киритилган. Кенгаш аъзолари съездда яширин, Ассоциациянинг раиси эса мубоҳиллик асосида турта номзод ичидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Кенгаш Раиси бир пайтнинг ўзида Судьялар Ассоциациясининг раиси ҳам ҳисобланади. Ассоциация ҳар бир вилоятда ўзининг филиалларига эга бўлиб, жамоатчилик асосида иш юритади.

Ассоциация ўзининг олди-га қўйган вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўта йўналишда иш олиб боради:

Аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мавжуд қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш; судьяларнинг малакасини ошириш. Ҳар бир вилоятда, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини ошириш билан шуғулланадими. Оммавий аҳборот воситалари орқали турли мавзуларда чиқишлар қилинмоқда. Ассоциациямиз ташаббус билан Тошкентда судьялар учун кечки ўқишлар ташкил қилинди. Шу кунгача 15 та амалий машғулот ўтказилди. Уларга чет эллик тажрибали юристларни ҳам таклиф қилганмиз. Тингловчиларнинг фикрига қараганда машғулотлар анча самарали бўлмоқда. Бундан ташқари, жойларда ҳам бир қанча амалий машғулотларни ўтказдик. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон, Нур-хон шаҳарларида улар учун алоҳида ўқув ташкил қилиниб, унда Америка юристларининг Ассоциацияси вакиллари ҳам қатнашиб, долзарб муаммолар ҳусусида фикрлашилди. Бир йил давомида халқор ташкилотларнинг ёрдамида суд тизимининг ривожланиши масалаларига бағишланган катта халқор анжуман ўтказдик. Бу анжуманда Қозғоғстон, Тожикистон, Қирғизистондан судьялар қатнашилди. Семинарга АКШ, Австралиядан таниқли судьялар таклиф қилинди. Биз уларнинг тажрибаларидан фойдалана бошладик. Шу йил Қирғизистонда ўтказилган Урта Осиё Судьялар Ассоциациясини фаолиятига бағишланган халқор анжуманида Марказий

Осиё Судьялар Ассоциациясини ташкил қилишда ва унинг штаби Бишкек шаҳрида деб белгиланди. У Марказий Осиё судьялари муаммоларини ҳал қилиш, ўзаро тажриба алмашиш маркази бўлиб хизмат қилади. Биз айна пайтда судьяларимизни чет эл тажрибаларини ўрганиб келишлари учун уларни саволларга юборишни режалаштирганмиз.


Ассоциация ўзининг олди-га қўйган вазифаларини амалга ошириш мақсадида ўта йўналишда иш олиб боради:

Аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш; қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мавжуд қонунларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш; судьяларнинг малакасини ошириш. Ҳар бир вилоятда, аҳолининг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини ошириш билан шуғулланадими. Оммавий аҳборот воситалари орқали турли мавзуларда чиқишлар қилинмоқда. Ассоциациямиз ташаббус билан Тошкентда судьялар учун кечки ўқишлар ташкил қилинди. Шу кунгача 15 та амалий машғулот ўтказилди. Уларга чет эллик тажрибали юристларни ҳам таклиф қилганмиз. Тингловчиларнинг фикрига қараганда машғулотлар анча самарали бўлмоқда. Бундан ташқари, жойларда ҳам бир қанча амалий машғулотларни ўтказдик. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон, Нур-хон шаҳарларида улар учун алоҳида ўқув ташкил қилиниб, унда Америка юристларининг Ассоциацияси вакиллари ҳам қатнашиб, долзарб муаммолар ҳусусида фикрлашилди. Бир йил давомида халқор ташкилотларнинг ёрдамида суд тизимининг ривожланиши масалаларига бағишланган катта халқор анжуман ўтказдик. Бу анжуманда Қозғоғстон, Тожикистон, Қирғизистондан судьялар қатнашилди. Семинарга АКШ, Австралиядан таниқли судьялар таклиф қилинди. Биз уларнинг тажрибаларидан фойдалана бошладик. Шу йил Қирғизистонда ўтказилган Урта Осиё Судьялар Ассоциациясини фаолиятига бағишланган халқор анжуманида Марказий

ларга тўлиқ жавоблар олиш мумкин. «Никоҳ шартномаси нима?» рисоламизни нашрдан чикарсак, бу Қонуннинг қўлланилиши учун яхши имконият яратган бўлар эди.

Янги «Оила Кодекси» қатбул қилиниши билан бир қатор янги ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилди. Уларни суд амалиётида қўллаш маълум бир муаммоларни туғдиради. Бу муаммоларни ечиш мақсадида Олий суд билан ҳамкорликда «Никоҳни тугатиш ҳақидаги ишларни суд мажлисида қўришни ўзига хос ҳусусиятлари» деган номда рисола тайёрланмоқда. Бу қўлланма нафақат суд фаолиятини яхшилашда, балки суд жараёни давомида фуқароларнинг ҳуқуқларини тўла-роқ ҳимоя қилиш ва қафолатлаш ҳамда ишларни адолатли ҳал қилишга ёрдам беради. Ҳозир биз қонунчиликни янада мукамаллаштириш устида ҳам ишлаяпмиз. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда Аҳоли вазирлиги ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Судьялар Ассоциацияси ҳам бевосита иштирок этган. Утган сессияда «Адвокатлик фаолиятининг қадратлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни биринчи ўқишда қабул қилинди. Бу қонунни ишлаб чиқишда Судьялар Ассоциацияси ҳам фаол иштирок этди. Халқор ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласида ҳам изланишлар олиб бормоқдамиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик ўзгаришларни жаҳон оммасига етказиш борасида ҳам бир қанча ишларни йўлга қўйдик. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари Ўзбекистонда бўлган пайтда албатта вакилларимиз билан мулоқотда бўляпти.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган судьялар малакасини ёки билим даражасини хориж давлатларидаги судьялар даражасидан паст, деб айта олмайдим. Бизда жуда билимдон, саводхон, ўз ишини яхши биладиган



Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Муассаса раҳбариман. Омбор мудири ўзига ишониб топширилган товар қимматликларини ўзлаштириб, муассасага зарар келтирди. Камомад текшириш натижасида маълум бўлди ва омбор мудири бу қимматликларни ўзи ўзлаштирилганини тан олди. Ҳозир омбор мудири бошқа ишга ўтказиш мумкинми? Чунки унда энди товар қимматликлари ишониб бўлмайдими. Еки унга қандай чора қўллаш мумкин?

Мадоҳат Қурбонова, Тошкент вилояти.

1996 йилнинг 1 апрелидан амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ ҳодимларни интизомий жазо сифатида бошқа ишга иш берувчининг ташаббуси билан ўтказишига йўл қўйилмайди.

Шунинг учун Сиз биринчи навбатда бу ҳақда ёзма равишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органга хабар қилишингиз керак. Тергов органи омбор мудирининг жиноят қилганини аниқлагандан сўнг, уни вазифасидан четлаштириш тўғрисида ўз қарорини чиқаради ва бу қарор прокурор томонидан тасдиқланади. Қарорни бажариш унинг иш жойида амалга оширилади. Қарорни чиқаришда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг талабларига тўлиқ риоя қилинган бўлиши шарт. Терговчи томонидан омбор мудирига нисбатан жиноий иш қўзғатилгандан сўнг, бу иш суд томонидан қўрилиб, башарти бунинг натижасида ҳодим аввалги ишини давом эттиришдан маҳрум этилган суднинг ҳукми қонуний бўлганда, омбор мудири Меҳнат кодексининг 106-моддаси 3-банди билан ишдан бўшатишга асос бўлади. Албатта, омбор мудиридан келтирилган зарар суднинг қарори асосида ундириб олинди ва омбор мудири келтирилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаши ҳам мумкин.

Агар Ички меҳнат тартиби қоидасида ёки ўзаро тузилган меҳнат шартномасида омбор мудири ўз айби билан унга ишониб топширилган товар маҳсулотларини бир марта қўпол равишда бузилиши рўйхатида киритилган бўлса, суднинг қарорини қўлдан олиш ҳам Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II қисм, 4-банди билан уни вазифасидан озод қилиш тўғрисида, Меҳнат кодексининг 101-моддасида амал қилинган ҳолда, бўйруқ чиқарилиши мумкин.

Ходим меҳнат тартиби тугагандан сўнг бир ойдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам ишга чиқмади, ҳатто қаерда эканлиги тўғрисида ишонча хабар қилмади. Бу ҳодимни сабабсиз шунча вақт ишда бўлмаганлиги учун вазифасидан озод қилса бўладими?

Шариф Хасанов, Урганч тумани.

Биринчидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174-моддасига мувофиқ муассасада Ички меҳнат тартиби қоидаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланган бўлиши керак ва шу Кодекснинг 100-моддаси талабига мувофиқ ички меҳнат тартиби қоидасида ёки ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасида ҳодимнинг сабабсиз ишга чиқмаган вақти унинг меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузилиши деб белгиланган бўлиши керак. Иккинчидан, ҳодимни сабабсиз ишга чиқмаганлигини турар жойига бориб аниқлаш ва бу ҳақда у билан бирга яшовчилар, гувоҳлар иштирок этишда далелатнома тузилиши керак. Агар ҳодим ўз турар жойида яшамаслиги ва номаълум жойга қочиб кетганини аниқланса, маҳалла қўмитасидан бу ҳақда маълумотнома олиб қўйилиши лозим. Ходим касаллик варақасида бўлиши ҳам мумкин. Мана шу қўрсатилган талаблар бажарилса, ҳодимнинг ишга чиқмаганлиги сабабсиз эканлиги тўлиқ аниқланса, шундангина бу ҳодимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II бўлим, 4-банди билан ишдан бўшатиши асосли бўлади.

Меҳнат кодексининг 274-моддасига асосан суд ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини таъинловчи равишда бекор қилишда айбдор бўлган мансабдор шахсга етказилган зарар урнини қоплаш мажбуриятини юклатиш мумкин. Бу тунадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг ўз оилак маошидан ортиқ бўлмаслиги лозим. Шунинг учун «Етти ўлча, бир кес» мақолига амал қилинган маъқул.

Мушоҳада

ИҚТИСОДИЙ СИНИШНИНГ САБАБЛАРИ

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги (янги тахрирда) Қонуни эълон қилинди. У халқимиз томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Мутахассислар билан биринчи бўлиннинг 16-моддаси ҳусусида фикрлашдик. Таъкидланганидек, қонун муаммоларни ҳал этиш, иқтисодий таназзулнинг олдини олиш борасида томонларга катта суянчик бўлади. Банкротнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида алоҳида тўхталасак.

Тошкент шаҳар ҳужалик суди жорий йилнинг июнида «Савдогар» иқтисослаштирилган акционерлик тижорат банки арizasига биноан «Прогресс» ёшлар жамоасининг ишнинг адолатли тарзда қўриб чиқди. Мазкур жамоа 1994 йил май ойида Ўзбекистон савдо-тижорат банкидан шартномага асосан бир йил муддат ичида қайтариш шарт билан 2 миллиард сўм купонни кредитга олган. Бундан ташқари, 1994 йил декабрида «Савдогар» иқтисослаштирилган акционерлик тижорат банкидан 2 миллион сўм фоизи билан қайтариш шарт билан қарз олган. Афсуски, қарзлар вақтида эгаларига қайтарилмади. Комплекснинг умумий қарзлари 29,912,390 сўмни ташкил этди. Суд жараёни давомида ёшлар комплекси қарзларни қайтариш учун Тошкент шаҳар ҳужалик судидан имкон берилишини сўраб ёзган аризаси қаноатлантирилди. Шундан сўнг икки ой муддатга санация берилди. Ривожланиш дастурининг йўқлиги, кадрлар кўнимсизлиги, боқимандалик кайфияти, мулкни талон-тароҳ қилиш каби иллатлар комплексини инқироз ҳолатига олиб келди. Очигини айтганда, мазкур йрик жамоада фаолият юритган раҳбарлар, мутахассислар масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда, омилкорлик, қатъиятлик билан фаолият юритмадилар. Вужудга келган муаммоларни ҳал қилишда бор онангга, бор отангга қабилида иш юритилди. Оқибат натижада, муаммо устига муаммо кўшилди. Ва ниҳоят 1998 йил октябрида ҳужалик суди томонидан комплекс банкрот деб эътироф этилди.

Равшанки, бирон-бир корхонанинг банкрот деб эълон қилиниши, биринчи навбатда давлатимиз иқтисодиётига, қолаверса, шу ерда ишлаётган кишиларнинг манфаатларига жиддий путур етказиши. Юқоридаги каби мисоллар сабоқ бўлиши керак. Иқтисодий таназзулга юз тутаетган жойларда ишни ўнглаш, муаммоларни қадамба-қадам ҳал этишнинг имкониятлари бор. Бунда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни муҳим роль ўйнайди.

Дилором КАРИМ қизи.

Қонун барча учун баробар

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Солиқлар давлат бюджетини асосини ташкил этади ва у ҳар бир раҳбар зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада Қашқадар вилоятида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим корхона ва ташкилотларда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда.

Йилнинг ўтган саккизи ойи мобайнида 2878 корхона ҳамда ташкилотда солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказилди. 1644 ҳолатда қонун-қоидалар бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Раҳбар ва бош ҳисобчиларнинг айби билан 414,4 миллион сўмлик миқдордаги солиқ қамайтириб қўрсатилган. Олинган даромадлар ҳисоботларда тўла аксини топмаган.

Хато ва камчиликларга йўл қўйган ташкилотларга 393 миң сўм молиявий жарима ҳамда бўнак ҳисобланди. Айбдор шахслар ҳам маъмурий жазодан кутилиб қолилмадилар.

УЧАРЛАР

Кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 июндаги «Ақидз марка-

Солиқ тизимида

лари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкаголли ичимликларни мусодара этиш ва сотиш тартиби тўғрисида»ги Фармони бажариш бўйича бир қатор амалий чоралар қўрилди. Барча шаҳар ҳамда туманларда мусодара қилинган акциз марказиз маҳсулотларни бошлаш комиссиялари ишлаб турибди. Маҳаллий ҳокимиятлар ёрдамида «Ўздавстандарт»нинг худудий органлари ҳамда бунинг учун ваколат берилган жойларда маҳсулотларнинг стандартлар талабларига мувофиқлигини сертификатлаш, товарлар сақланадиган омборхоналар, улар билан савдо қилинадиган махсус дўконлар ташкил этилди.

Ҳўш, чоралар қўрилаяпти, натижаларчи?

Ақидз марказларининг тўғри қўлланиши юзасидан савдо шаҳобчалари, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ўртасида ўтказилган 874 текшириш ҳамда рейдларнинг 649 тасида Президент Фармони талаблари бузилганлигида дуч келинди. Натижада умумий қиймати 1124,4 миң сўм бўлган 9277 дона ҳар хил

турдаги спиртли ичимликлар, дастлабик баҳода 1261,8 миң сўмлик 34768 қути тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди. Қонунбузарлардан бюджетга 780,7 миң сўм жарима ундирилди.

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Нишон туманидаги маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонасининг бош ҳисобчиси Эшбой Бердиев шайтоннинг сўзига кирди-ми ёки қандайдир фойдани кўзладими, ҳисоботларда 14200 сўм даромадни яширди. Солиқчилар текширишганда дарҳол қинғир иш билан яширган даромадидан ҳам кўпроқ - 15 миң сўм жарима тўлаб зўрга қутилди.

Чироқчи туманидаги Қалқам «Дехқон бозори» паттачиси Нарзулла Қурбонов камомада йўл қўйганлиги учун 11250 сўм, Қарши туманида тадбиркорлик билан шуғулланган Гулнора Тошева бир йил давомида савдо қоидасини тақдоран бузганлиги учун 15000 сўм жарима тўлашга мажбур бўлишди.

Қ. ЭҒАМБЕРДИЕВ.

НАФАҚАГА КЎЗ ОЛАЙТИРИШДИ

Болалар ҳаққига кўз олайтириш оғир гуноҳдир. Ўз манфаатини уйлаган баъзи кимсалар бу виждонга хиёнатлигини уйлаб ҳам ўтиришади. Масалан, Чуст шаҳридаги «Чевар» ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари туман молия бўлими томонидан бе-

рилган салкам ярим миллион сўмлик болалар нафақасининг арзиманган қисминини оналарга тарқатиб асосий бўлган ҳужалик ишларига сарфлаб юборишди. Бунинг сабаби суриштирилди. Мутасаддилар елка қисилди...

Уйчидаги нотўқима мато-лар ҳиссадорлик жамиятида, пахта тозалаш корхонасида қасаба уюшмалари бепарволигидан фойдаланиб жамоа шартномасини тузишда жиддий хатоларга йўл қўйилган. Натижада меҳнатқашлар манфаатига путур етказилди.

Ж.ОБИДОВ.

Дехқонга яшил йўл

БОЗОРЛАРГА НОЗ-НЕЪМАТ ЭЛТАЁТГАН МИРИШКОР ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР ОЛИБ ТАШЛАНЯПТИ

Эл маъмуричилиги, дастурхон баракаси бозор мўл-кўлчилигига боғлиқ. Мамлакатимизда бозорларни тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга шарт-шароит яратиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Биз Гулистон шаҳар дехқон бозорида бўлганимизда бунга гувоҳ бўлдик. Сархил мева-сабзавот маҳсулотларига тўла расталарда саришталик Сохибқорю полизор, ўз етиштирган маҳсулотини сотиши учун энг зарур шароитлар яратилган. Ҳар соатда бозор радио узели орқали бугунги нарх-наво ҳақида эълонлар бериб борилади. Ҳар бир маҳсулот эса лаборатория текширувидан ўтказилиб у талабга жавоб берган тақдирдагина пештахтага чиқарилади. Мавжуд 9 та павильон сифатли таъмирланган.

Шахримиз бозори кейинги йилларда кескин ўзгариб кетди, - дейди Сирдарё туман «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигидан келган дехқон Бахтиёр Бўрибоев. - Ҳозир муаммоларда етиштирилган маҳсулотни бемалол сотиш учун ҳамма шароит бор. Айниқса, усти ёпиқ павильоннинг барпо этилиши кўнглимиздаги иш бўлди. Чунки жазирамда офтоб ёки ёгин-сочинларда савдо қилиш маҳсулот сифатига кескин таъсир қилаётган эди.

Бозорни истемолчи талабларидан келиб чиқиб жиҳозлашда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида миллий мейворчилиги мис аънавалари рўҳига мос



ўнлаб дўконлар барпо этилди. Маҳсулотлар турларига қараб алоҳида павильонларга жойлаштирилганлиги боис харидор вақтдан ютаяпти. Бозор қошида тайёрлов савдо харид корхонаси фаолият кўрсатиб келаётгани деҳқонларга ҳар томонлама ҳуқуқий тўғримоқда. Бозор маъмуричилигини таъминлаш мақсадида маҳсулот етиштирувчи жамоалар, дехқон-фермер ҳўжалиқлари ҳамда шахсий томорқа эгалари билан 28 миллион сўмлик ҳажмида шартнома-

лар тузилган. Ҳар бир туман бозор худудидан зўр дўконга эга бўлиб, бу ерда ўзлари етиштирган маҳсулотни сотиш имконияти яратилган. Бозорсиз бирор қуни-мизни тасаввур этиш қийин. Бу ерда чайқовчи-ю олиб сотарларга барҳам берилган. Тоштарозилар устидан мунтазам назорат ўрнатилган. Топилган маблағ ҳисобидан янги сотув ўринлари ташкил этиляпти.

Комида БОЙМУРОВОВА.

Ўзбекистонда тилларни янада ривожланиши ва бойиши учун имкониятлар, шароитлар яратилган. Бунга сабаб ўзбек тили шунчаки алоқа куроли эмас, балки у халқ маданияти ва маънавиятининг, миллатлар мафкурасининг таркибий қисми уларнинг амалга ошиши ва халқнинг миллий қадриятлари сифатида мустақамланишининг улуг воситасидир. Мана шу маънода юртбошимиз Исрол Каримовнинг куйидаги фикрлари гоят ибратлидир: **Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланади. Ўз халқига, унинг аъналарига тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмати билан тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас.**

Тил миллатнинг маърифатга эришиш куроллидир. Шу сабабли барча даврларда ҳам халқ ўз тилини ниҳоятда қадрлаб келган. Она тилига отилган ўқ-бу халқнинг қалбига отилган ўқдир, дейилган ибора ниҳоятда ҳақиқийдир. Шу нукта назардан ёндашилса ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, махсус қонун қабул қилинган ўзбек халқи истиқлол даврида эришилган мислсиз тарихий ютуқдир. Ушбу қонуннинг биринчи моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили - ўзбек тилидир»,- деб қайд қилинган. Бу оддийгина ва қисқа жумлаларда жа-

ҳонда энг ривож топган ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек миллий тилининг халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган муқаддас ижтимоий маданият, маънавий ҳуқуқи тикланган, бу тилининг янада ривожланиши, камол топиши учун истиқболли шароитлар ҳозирланган.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун - бу Ўзбекистон давлати истиқлол даврида амалга ошираётган тил сиёсатининг, бораётган одилона йул ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси. Бунинг истиқболли натижалари ҳозирдаёқ равшан кўринмоқда.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши - ўзбек тили ижтимоий вази-фалар доирасининг ни-

ҳоятда кенгайиши ва серқирра бўлишига йул очди. Ҳозирда ўзбек тили расмий идоравий тил, илмий тил, фан ва техника тили, дипломатик муносабатлар тили, почта телеграф алоқалари тили, ҳарбий тили, таълим ва тарбия тили, анжуманлар тили, қолаверса республикада истиқомат қилувчи барча миллат вакилларининг ўзаро мулоқот

ни ўқитиш ёки мустақил ўрганишга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари, луғатлар, курғазмалар куроллар тайёрланди ва нашр этилди.

Ўзбек имлосининг лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтказилиши, бу масалага оид давлат Қонуни ва Дастурининг қабул қилиниши ўзбек ёзма нутқи маданиятининг янада

тутдида «Ўзбек тилининг катта имло луғати» устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда давлат тилининг алифбоси ва имлосини ўқитиш, ўргатиш ёки мустақил ўрганишга кўмаклашувчи кўпгина янги дарсликлар, қўлланмалар, сўзлашув луғатлари, маълумотномалар, методик-қўлланмалар тайёрланди ва нашр этилди.

лан бирга Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат ва эллатларнинг тилларига муносабат, уларга берилаётган ҳуқуқ ва имкониятлар ҳам ўз ифодасини топган. Чунки, Қонуннинг 24-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади».

нинг ўз она тилини қўлашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди», 3-моддадаги «Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоши-ларига қўра талаш ҳуқуқига эгадирлар», 4-моддадаги республика «...ҳудудда яшовчи миллатлар ва эллатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилади» каби жумлаларда ёрқин ифодаланган.

Ўзбекистонда қозоқ, қирғиз, тоjik ва бошқа тилларда таълим берувчи мактаблар, олий ўқув даргоҳларида факультетлар, гуруҳларнинг мавжудлиги, ўша тилларда китоблар, матбуотнинг нашр этилаётгани радио ва телевидениеда эшиттириш олиб

борилаётгани ўзга тилларга берилган имкониятларнинг амалда мавжудлигига ёрқин далилдир.

Она тилига шунчаки алоқа воситаси деб эмас, балки ўзбек халқи маданияти ва маънавиятининг улуг мероси деб ҳам ёндашмоқ лозим бўлади.

Тил миллатнинг миллий руҳи, миллий ифтихоридир. Тил кишиларни ўзаро яқинлаштиради, бирлаштиради, уларнинг ягона тил оиласига айлантиради. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг мана бу фикрларини эсга олиш ўринли бўлур эди: «Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавий безлиги сифатида кишиларни яқин қилиб жипс-лаштиради».

ТИЛ — БУЮК МАЪНАВИЙ МЕРОС

тили сифатида ҳам кенг ривожланиши йўлига ўтди. Бу омиллар кейинги йилларда ўзбек тилида чиқадиган нашрларнинг кескин кўпайишига олиб келди, ўз навбатида, ўзбек тили сўз бойлигининг янада юксалишига, унинг илмий терминларининг сайқал топишига имконият яратмоқда.

Ўзбек тили республиканинг барча ўқув даргоҳларида асосий ўқув предметларидан бири сифатида, яъни дастурлар асосида ўқитилмоқда. Шу муносабат билан кейинги йилларда она тили - ўзбек тили-

такомиллашувига йул очди. Натижада ўзбек адабий тилининг фонетик ва имло-вий меъёрлари ёзувда тўлиқроқ ва мукамалроқ ифодаланадиган бўлди, тилимиз ўз мустақил алифбо тизимига эга бўлди. Кейинги икки йил давомида янги алифбо ва имлонинг жорий этиши буйича анчагина ишлар қилинди. 1995 йил августда «Ўзбек тилининг янги имло қоидалари» тасдиқланди ва ўша асосда «Ўзбек тилининг имло луғати» тузилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт инсти-

тутида «Ўзбек тилининг катта имло луғати» устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда давлат тилининг алифбоси ва имлосини ўқитиш, ўргатиш ёки мустақил ўрганишга кўмаклашувчи кўпгина янги дарсликлар, қўлланмалар, сўзлашув луғатлари, маълумотномалар, методик-қўлланмалар тайёрланди ва нашр этилди.

Бу тадбирлар давлат тилини нафақат ўзбекларнинг, шу билан бирга республикада яшовчи бошқа миллат вакилларининг фаол ўрганиши учун йул очмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни давлат тилининг қонуний ҳуқуқий асосларини белгилаб бериш билан бирга умуман мустақил Ўзбекистон давлати олиб бораётган одилона, демократик сиёсатининг ўзида муҳим қилган мўтабар тарихий ҳужжатдир. Чунки Қонунда нафақат ўзбек тилининг шу би-

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун ўзбек тилининг қонуний ҳуқуқларини, маъқеини тиклади, уни республиканинг асосий тили, давлат тили сифатида мустақамлади. Аммо ўзбек тилининг ушбу ҳуқуқи ўзга тилларни камситиш ёки тақиқлаш ҳисобига амалга оширилмаётгани йўқ. Қонунда ўзга тилларнинг ҳам ҳақ ва ҳуқуқлари демократик асосда ўз ўрнига қўйилган. Бу Қонуннинг 2-моддасидаги «Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва эллатлар-

Миллий истиқлол бизга она тилимиз - ўзбек тилини давлат тили даражасига қўтариш, уни янада ривож топтириш ва бойитиш имконини берди. Шу сабабли ҳар йили 21 октябрда ўтадиган Тил байрами - бу аслида миллий истиқлол байрами, маданиятимиз, маънавиятимиз истиқлол мафкураси байраמידир. Тил байрами бизнинг она тилимиз олдидаги масъулиятимиз ва бурчимизни, тилимизни янада юксалтириш, камол топтириш билан боғлиқ вазифаларимизни ҳис қилиш ва юксак даражада англаш байрами ҳамдир.

Эрист БЕГМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

«НОРИН»НИНГ КЎНГЛИНИ ЎҚСИТМАНГ

Мухтарам Президентимиз бундан икки йил олдин Наманган вилояти фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқида жумладан шундай дегандилар: «Анджондан Норин тумани ҳудудида ўтганингизда битта фарқ кўзга яқоқ ташланади. Асосий уйлар гуваландан, пахсадан тикланган. Сабабини суриштириб кўрдим. Қарангки, шу маҳалга туманда гишт заводи қурилмаган экан. Наҳотки, ҳозиргача ишлаган қуриб қолган одамларни, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўйлашмаган?»

Мана орадан муайян вақт ўтди. Ўринли танқид, йул-йўриқлардан мутасаддиҳан хулоса чиқариб муҳим ишда бурилиш ёсай олдиларми? Норинликлар бу саволга яқдил «йўқ» деб жавоб беришяпти. Сабабини муҳбиримиз мисоллар орқали куйидагича баён этади.

Абдусамадни ахтариб борсам участка кураётганлигини, икки ўглини ёнига олиб ўша ёққа кетганлигини айтишди. Қариндошимнинг ўтган йил кузида уй қуриш учун ер ажратиб беришларини сўраб ёзган аризаси ниҳоят қондирилганлигини қувониб гапирганини эсладим. Абдусамаднинг хурсанд бўлганича бор эди. Негаки, торгина ҳовлида уйланган катта ўли билан яшайди. Иккинчи ўгли ҳам аллақачон олий билимгоҳни битириб келиб ишлаяпти. Унинг ҳам бошини иккита қилишга вақт етган, аммо жой йўқ эди. Участкани топиб бердим. Абдусамад уюлган лойдан майда бўлақларни узиб берар, ўғиллари эса уни юмалатиб гувалас қилишарди.

Шунча оврагарчилик ўрнига тайёр гишт олиб қўлсангиз бўлмасмиди? - дедим ота-болалар меҳнатига ачинаиб.

Қўйинг, ака, ярага туз сеппманг, - деди у, - сиз айтган ана шу савил бизнинг Норинда анқоннинг уруги-ку! Қўшни Ибоскан туманидан келтириш осон эмас. ДАН ҳодимлари бошқа вилоят автомашинаси гишт юклаб кетаётганини кўришса, дарров тўхташади, тирноқ орасидан кир қидириб, жарамага туширишади. Вилоят маркази эса биздан салкам кирқ чақирим олис. Бизда гишт то уйимиз остонасига етиб келгунча «олтин» гиштга

Муаммо кўндаланг қўйилади

айланиб кетади. Оқибатда алмисокдан қолган усул-гувалакдан уй тиклашга мажбур бўлялми.

Гап шундаки тумани бошқариб келган собиқ амалдорлар фақат режа бажаришни, сохта шурхрат ортиришни ўйлашган. Айтишларича, юртбошимизнинг вилоятга ташрифи чоғида ҳам туман ҳоки-

ми пахта планини ошириб бажариш ҳақида лоф уришдан нарига ўтмаган экан.

Президентимизнинг бағоят ўринли эътирозларидан сўнг югур-югурлар бошланди. Вилоят ва тумандаги тегишли идоралар билан келишилган ҳолда қурилажак гишт ишлаб чиқариш корхонасининг лойиҳа-смета ҳужжатларини зудлик билан тайёрлашга киришилди. Ушбу ҳужжатларга биноан корхона йилга 10 млн. донна пишқ гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, лойиҳа қиммати буйича уни бунёд этиш учун 156 млн. сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Буюртмачи этиб Наманган гишт заводи бошқармаси, бош пудратчи қилиб «Наманган қурилиш»нинг Учқўрғондаги 12-акционерлик корхонаси (ҳозирги 152-кўча қурилиш жамланмаси) белгиланган.

Булажак корхона қурилиши учун «Тошкент» жамоа ҳўжалиги экин майдонлари-

дан 3 гектар ер ажратиб берди. Қурилиш имтиёзли кредит билан таъминлаш вазифаси эса Наманган саноат-қурилиш банки зиммасига юклатилди. Лойиҳага мувофиқ қурилиш 1996 йилнинг декабрь ойида бошланиб, 1997 йилнинг сентябрь ойидан маҳсулот ишлаб чиқаришга белгиланди. Хуллас, даб-даба билан ишга киришилди. Қурилиш ҳатто, икки сменада ташкил этиладиган бўлди. Қисқа вақт ичида завод қўрғони, маъмурий бино пойдевори тикланди. Бино томига темир-бетон плиталар ётқизилди. Хумдоннинг бетон пойдевори қўйилиб, марказий девори қисман қад кўтарди. Хумдонга хом гишт етказиб бериш цехининг асоси қавланди, бетон устунлар ўрнатилди. Дастгоҳлар келтирилди. Лекин иш

Унинг афсус билан эътироф этганича бор. Қарангки, корхона учун 5 чақирим масофадан газ тармоғи тортиб келиш юзасидан лойиҳада белгиланган вазила вилот ва туман ҳокимликларининг саъй-ҳаракати билан ярмига бажариб қўйилди. Аммо унинг иккинчи ярмини уудлашга лозим ҳуқуқлар республика концерни трассанинг иккинчи бўлагини қуриш юзасидан зиммасига юклатилган ишга қўл ҳам ургани йўқ.

Яқинда тарқалган янгилик ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Тумандагилар янги корхона фаолиятининг дастлабки давридаёқ 120 киши учун ишчи ўрни яратишга қолмасдан Ҳақулобод шаҳри ва туман қишлоқлари ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини ҳисобга олиб имтиёзли кредит ажратилишини тезлаштиришни сўраб қайта мурожаат қилганларидан республика саноат-қурилиш банкидегилар, Норинда гишт заводи қурилиши мақсадаги мувофиқ эмас, деган антиқа жавобни қайтаришди.

«Ажабо, улар нимага асосланиб шундай қарорга келишди экан? Қурилиш бошланганидан бери орадан икки йил вақт ўтганида ва шунча маблағ сарфлаб қўйилганида бундай хулоса чиқаришни қандай баҳолаш мумкин? Ёки улар туман аҳолиси ҳозиргача гувалас ва пахсадан иморат қуришга қўниқиб қолган ва бундан кейин ҳам шундай қилишса осмон узилиб ерга тушармиди, деб ўйлашяптимики?» Хуллас, саволлар кўп. Бироқ энг муҳими, гап уларга амалий иш билан жавоб бериб, тўпналган қолган муаммоларни кечиктирмасдан ҳал қиладиган ташкилотнинг топилишида қолган.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонач» муҳбири.



Тойлоқ туманидаги Амир Темур номи жамоа ҳўжалиги аъзолари сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришди. Айниқса, ижарачи Мухайё Рўзиқулова (суратда чапда) эришган натижа қувончли бўлди.

Н. АЛИМУРДОВ олган сурат.

МИЛЛИОНЕР ТАЛАБАЛАР

Чимбой туманидаги И-лицей Коракалпоғистондаги йирик моддий техника базаси мустаҳкам илм масканларидан бири. Бу ерда «Таълим тўри-рида»ги Қонун ва Қаррлар тайёрлаш тўғрисидаги Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Лицейда назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Талабалар амалдаги йилда 15,5 гектар ер олиб деҳқончилик қилишган эди. Эртаги полиз ва сабзавотлардан мўл ҳосил олинди. Маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилиб, дурустгина даромадга эга бўлишди. Аникроғи фойда бир ярим миллион сўмга етди. Унинг ҳисобидан дарсликлар, ўқув куроллари, компьютерлар харид қилинди. Қолган қисми лицейнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланди.

ТЕЗКОР ШАРҲ ГЕНЕРАЛ ПИНОЧЕТ ҲИБСА ОЛИНДИ

Яқшанба кун Лондонда Англия полицияси Чилининг собиқ диктатори 82 ёшли генерал Августо Пиночетни ҳибсага олди. Дипломатик паспорт билан даволаниш учун Англияга келган собиқ диктатор ҳусусий клиникалардан бирида муолажа олаётган эди. У Испания суд органларининг талаби билан ҳибсада ушлаб турилди. Мексикага давлат ташрифи билан келган Англия ташқи ишлар давлат вазири Тони Ллойд ҳозир Англия ҳукумати Испания ҳукуматининг А.Пиночетни топшириш ҳақидаги расмий сўровини қутиб турганини айтди.

А.Пиночет ҳақида эшитмаган одам ҳам бўлса керак. 1973 йилнинг сентябрь ойида куруқликдаги қушлар бош штаби бошлиги А.Пиночет буйруғи билан ҳарбийлар Чилида қонуний асосда сайланган Салвадор Альенде ҳукуматини ағдардиб, мамлакатда ҳарбий хунта ҳукмронлигини ўрнатган эди. Ушандан бери А.Пиночет ҳақидаги гап-сўзлар тинмайди. Пиночетнинг қаттиққўл сиёсати натижасида оғир иқтисодий аҳволда бўлган Чили жуда қисқа фурсатда ўзини ўнгалди. Ушандан мамлакат йилга 8-10 фоиз иқтисодий ўсишга эришган эди. Шу тариқа дунёда «Чили иқтисодий мўъжизаси» деган атама пайдо бўлди.

Иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда маълум ютуқлар қўлга киритилган. А.Пиночет бошқиб ҳарбийлар 1990 йили ҳокимиятни ўзаро тенг сайлов асосида сайланган фуқаролар ҳукуматига топширди. Парламент ва бошқа ҳукумат идоралари фаолияти йўлга қўйилди. А.Пиночет эса куруқликдаги қўшинлар бош штаби бошлиги лавозимида қолди ва ислохотларнинг қабили сифатида турарди. Фақат шу йил бошидагина собиқ диктатор штаб бошлиги лавозимидан истеъфо берди.

Лекин Пиночет ҳукмронлиги Чили халқи бошига оғир қийинчиликлар солганини ҳам унутиб бўлмайди. 1973 йили ҳарбий тўнтаришдан кейин мамлакат пойтахти Сантьяго шаҳридаги катта стадион очик ҳаводаги қамқонгага айлан-тирилди. Минглаб кишилар судсиз-суроқсиз ушбу қамқоққа ташланиб, узок вақт ҳибсада ушлаб турилди. Пиночет режимида қаттиқ қаршилик кўрсатганлар турма ва қамқоқ лагерларига ташланди. Мамлакатда неча минг киши бедарқ йўқолди. Кейинги текширишлар натижаси уларнинг қўнчилиги ҳарбийлар томонидан суд қилинмасдан отиб ташланганини кўрсатди.

Ҳозир Чили халқи Пиночет қаттиққўллик билан амалга оширган иқтисодий ислохотларнинг мевасини топиб турибди. Мамлакатда ивасизлик жуда кам даражада. Иқтисодий ўсиш давом этмоқда. Қашшоқлар сони кескин қамайган. Маориф ва олий таълим тизими барқарор ишлаётир. Шу боис мамлакатда Пиночет тарафдорлари ҳозир ҳам қўнчилигини ташкил этади. Улар ушанда вазият шундай қаттиққўл бўлишни талаб

қилар эди, дейишмоқда. Бошқа бир қисм аҳоли эса қотилликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, деб даъво қилаётир.

Мамлакатнинг ҳозирги конституциясига биноан, А.Пиночет умрбод сенатор этиб сайланган ва у жинорий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Гарчи, бу ҳол мамлакатда қаттиқ тортишувларга сабаб бўлган эсада, миллий тотувликни сақлаб қолган мақсадида халқ бунга рози бўлган эди. Бу ҳам демократия сабақлари ва ютуқларидан бири бўлди. Лекин чет элларда А.Пиночет шахсига қараш ҳамон мураккаблгича турибди.

Утган ҳафта Лотин Америкаси инсон ҳуқуқлари уюшмаси Буюк Британия суд органларидан генерал Пиночетни ҳибсага олишни ва уни икки англиялик фуқаронинг ўлимида айблаг, жазага тортишни талаб қилган эди. Эквадор давлати пойтахти Кито шаҳрида жойлашган мазкур уюшма Чилининг собиқ диктатори оддий фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини топташган, деб баёнот берган. Лекин Англия ҳукумати бедарқ йўқолган деб ҳисобланаётган ўз фуқаролари учун Пиночетни айбдор қилишга шошилмади. Аксинча, Испания суд органлари ҳарбий хунта ҳукмронлиги даврида қамқоққа ташланган, судсиз-суроқсиз отиб ташланган қўллар испанлар хунига айнан Пиночетни айбдор санайди. Шу боис Англияга келган А.Пиночетни қамқоққа олиш ҳақида суд органлари расмий сўров билан Буюк Британия ҳуқуқ органларига мурожаат қилди.

А.Пиночет ҳарбий лавозимдан истеъфо бергач, Чилида ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам собиқ диктаторни қамқоққа олиш ва суд қилиш талаби билан чиқувчилар кўпайиб бораётир. Йил бошидан бун А.Пиночетни суд қилишни сўраб давлат суд органларига ўн уч бор мурожаат қилинган. Умрбод сенатор бўлгани туфайли депутат дахлсизлиги жақомига эга бўлган собиқ диктаторни жақомга олишнинг шундай сўраётганлар орасида сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, оддий фуқаролар бор. Суд органлари шундай мурожаатларнинг ўн тасини қўриб чиқиниши бошлады.

Шу боис А.Пиночетнинг Англияда Испания талаби билан ҳибса олингани бир қисм одамларда қонқизи ҳиссини уйғотди. Швеция ташқи ишлар вазири Анна Линд Испаниянинг А.Пиночетни қамқоққа олиш ҳақидаги сўровини маъқуллади ва «Унутмаслик керакки, инсон ҳуқуқларини топташган киши барибир адолат ва қонунлар олдида жавоб беради», деб таъкидлади. Анни вақтда Чилида катта намоиш бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари А.Пиночетни қўйиб юборишни талаб қилиб, Англия элчихонаси ёнида намоиш қилишмоқда. Чили расмий ҳукумат диоралари эса А.Пиночетнинг қамқоққа олиниши қонунга зид эканини таъкидламоқда.

КАДР ТОПГАН МИРИШКОР

Марҳамат туманидаги Тўхтасин Мирзаев номи жамоа ҳўжалиги аъзолари 1185 гектар адир ёнбағирлар ва захкаш ерларда деҳқончилик қилиб «Кир-ғиз-3» навли пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар ва гектар бошига 29 центнер ҳисобида пахта териб олиб, йиллик режани вилоятда пешқадамлар қаторида бажардилар.

Ҳасанбой Рашидов, Аҳмаджон Эргашев, Назиржон Қаюмов, Тохиржон Хўсанов сингари уста пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик ҳозирдаёқ 35-40 центнерга етди.

Ҳўжалик аъзолари ўз имкониятларини чамалаб қуриб, яна минг тонна пахта териб топширишга аҳд қилдилар.

Одамларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини яқинлаб қўйиш, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, рағбатлантириб, руҳлантириб бориш, ютуқларимизнинг бош омилли бўлди, - дейди ҳўжалик бошқарувининг раиси Йўлдошхўжа ҳожи Маъмулов.

Ш.НЕММАТОВ,
М.АБДУКАРИМОВ.



Уйчи туманидаги «Зарбдор» жамоа ҳўжалиги аъзолари галлани йиғиштириб олишгач, бўшаган майдонларга пешма-пеш маккажўҳори дони қаддашди. Экин яхши парвариш этилгани туфайли урроқа келди. Ҳозир ҳўжалик деҳқонлари ҳар гектаридан ўртача 200-250 центнердан кўк озуқа йиғиштириб олишмоқда.

Суратларда: (чапдан) бош зоотехник Абдулла Халилов, қомбағичи Қомилжон Нўмоновлар маккажўҳоризорда: ўрим пайти.

А. ЮСУБОВ олган суратлар.



КҮЙ (21.03-20.04) Ҳафта бошида ўзингизни бироз ноҳус сезасиз. Сешанба кун...

БУЗОҚ (21.04-21.05) Сиз учун ҳафта бошидаги молиявий мулоқотлар омадли келади. Чоршанба омадли харид кун...

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06) Душанба кун ёлгончилар қармоғига иллинг қолиш эҳтимоли бор. Сешанба моҳирларга «бой» кун бўлади...

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-23.07) Муҳим хабарни сешанба кун эшитасиз. Чоршанба кун ўзингизни бироз ноҳус сезасиз...

ШЕР (24.07-23.08) Чоршанба кун энг яқин кишиларнингиздан бири сизни каттиқ ҳаяжонлангизга давват этади. Сешанба ва жума кунлари «наполеон режалари»дек буюк ишларни ҳал қилишга кириша...

СУНБУЛА (24.08-23.09) Бу ҳафтада сизга асаб кучларингизни кўпроқ сарфлашга тўри келади. Чоршанба ва пайшанба кунлари ижод билан машғул бўлсангиз буларнинг ҳаммаси ўз ўрнига тушади...

ТАРОЗУ (24.09-23.10) Ҳафта бошида иш фаолиятингиз билан боғлиқ мулоқотларда омад сизга кулиб боқадди. Кутилмаган совғаларни пайшанба кун кутинг. Жума - аҳойиб шахслар билан учрашишни ваъда беради...

ЧАЁН (24.10-23.11) Бу ҳафтада сиз учун энг омадли кун бўлади. Душанба кун - гизга тушум кутилди. Харид учун шанба энг яқин кун ҳисобланади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12) Сиз бош-лиқларингизда фикрлик мактовга арзи гулик шахс бўлиб турибсиз. Сиз бунини чоршанба ва пайшанба кун ўзингиз ҳам сезасиз. Сешанба - янгиликлар кун. Дам олиш кунлари ижод қиларларда бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-20.01) Сешанба кун ишбилармонлар таклиф қилган ишга розилик берманг, чунки улар бошлангач иш кунларда бакарота учрайдилар. Иш барасидаги мулоқот ва учрашувлар учун пайшанба кун кун. Дам олиш кунлари яқин кайфиятга ўтади.

КОВҒА (21.01-19.02) Душанба кун ишхонангизда бироз моҳор келиб чиқади. Ҳафта ўртасида сиз учун мушкул бўлган ишларингиздан бирини ҳал қиласиз. Шанба аҳойиб ва ноаждий кутилмаган совғалар кун.

БАЛИҚ (20.02-20.03) Сешанба кун ни хар қандай ишни бажара олишга қодирсиз. Бу имкониятни қўлдан бой берманг ва ундан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларини яқинларингиз даврасида ўтказинг.

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофида бир неча ўнлаб улуг алломалар, шайхлар, азиз-авлилар билан боғлиқ кўп макбаралар, қадимлар, зиёратгоҳлар мавжуддир. Улардан бири Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида жойлашган. Бу қишлоқда Бухоро шаҳрида туғилган, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий дафн этилган, унинг номи ислом оламига машҳур бўлиб кетди. Шу боис, мана минг йилдан ошқ вақт давомида Хартанг қишлоғи табаррук зиёратгоҳ бўлиб келмоқда. Унинг ўтмишига халқ ўртасида қизиқиш катта. Биз Хартанг қишлоғининг тарихи, ўтмиши ҳақида сўз юритишни ният қилдик.

лари билан мулоқотлар қилади, билимини оширади, кутублик даражасига эришади. Ул улуг зот Хитойга саёхат қилиб, у ерда ислом эътиқодини тарғиб қилади ва ўша ерда вафот этади. Сунгра унинг ўғли Абу Саид Бухориддин отаси хокини Самарқандга келтириб дафн этади. Со-

фн этилган муқаддас қабридан бири Имом Бухорийнинг қабрини зиёрат қилганлигини қуйдагича ёзиб қолдирган: «Бухорода Ас-Сахихни тузган аллома имом, мусулмонлар шайхи Абу Абдулло ал-Бухорий қабрини зиёрат қилди. Оллох уни раҳмат қилсин. Ал-Бухорийнинг қабрига куйида ёзув битилган:

танг қишлоғи тақдирда ҳам аянчи роль уйнади. Бу ердаги иншоотлар, макбара, масжид қаровисиз қолди. Натихада кўп нарсалар йўқолиб кетди. Қолганлари ҳам 30-йилларда «маданий инқилоб» тўғрисида қилинди. Минглаб қимматбаҳо китоблар қудуқларга ташланди, эски қабрларга қўйилди.

Тарихий манбалар кам сақланган ҳолларда археологик далиллар энг ишончли манба бўлганлиги учун биз Хартанг қишлоғи атрофидаги археологик ёдгорликларда кузатишлар олиб бордик. Бу кузатишлардан шу нарса маълум бўлдики, қишлоқда яқин-яқинларча унга яқин хар хил археологик ёдгорликлар мавжуд бўлган. Уларнинг кўпчилиги эрамининг I-II асрларида барпо қилинган қалъа, кўш ва қарсларнинг қолдиқлари бўлиб, уларнинг катта қисми ҳозирда вайрон бўлиб кетган. Айримлари эса сақланган бўлиб, уларни халқ тепалар деб атайдилар. Шуниси қизиқиш, бу ёдгорликларнинг кўпчилиги ҳозирги Имом ал-Бухорий макбараси жойлашган ерни ҳалқадек ўраб турибди.

Хартангнинг муқаддас, улуг жойлигига яна бир ишора бериб, бу ҳақда алоҳида тўхталмоқ лозим. Маълумки, улуг инсонлар хали ҳаётлиқларидан олдин Мавриди келганда яна бир мулоҳазани ўртага ташламоқчимиз. Маълумки, ҳозир кўпчилик Хартангдаги макбарани Хўжа Исмоил ал-Бухорий макбараси деб атайдилар. Фикримизча, макбаранинг бундай аталиши нотўғри. Негаки, Исмоил ал-Бухорий улуг ҳадисшуноснинг оталари бўлиб, ул зотнинг қабрлари Бухородадир. Хартангдаги макбарани қисқача тарзда Имом Муҳаммад ал-Бухорий макбараси деб аташ манъатикан тўғри бўлади.

Қ. МАМАРАХИМОВ, А. БЕРДИМУРОДОВ, тарих фанлари номзодлари.

СЎНГГИ ҚЎНАЛҒА

хибкирон Амир Темур Бухориддин Соғаржий қабри устига улугвор макбара бунёд қилдиради. Ҳозирда бу макбара Рухобод номи билан машҳурдир. Шайбонийлар даврига келиб Миёнколда яна бир табаррук жойининг номи тарихий манбаларда тез-тез тилга олинади. Бу ҳол Даҳбедга улуг хазрат Сайид Аҳмад Маҳдуми Аъзам ибн Сайид Жалолиддин Косонийнинг кучиб келиши ва яшashi билан боғлиқдир. Миёнкол ўлкасининг ҳокими Жонибек Султоннинг тақлифи билан Самарқандга келган Маҳдуми Аъзамга ҳозирги Даҳбед ва унинг атрофидаги ерлар мулк қилиб берилади. XVI асрда Даҳбеднинг атрофи девор билан ўралиб, бу ерда дарвозалар ўрнаштилган. Шунингдек, қўрғон ичида масжид, мадраса, хонақоҳ ва бошқа иншоотлар барпо қилинган. Хозирги Даҳбед қўрғониди хазрати Маҳдуми Аъзам ва улуг зотнинг авлодлари ҳамда Самарқанд ҳокими Ялангўшбий Баҳодур куч-

таъкидлашдир. Шу ўринда бир нарсани эсламоқ жоиз. Маълумки, Самарқанд ва Бухорони туташтирган Буюк Ипак йўли ҳам айнан Миёнкол тупроғидан ўтган ва йўлнинг шу қисми «Шоҳ йўли» деб аталган. Миёнколдаги юксак иқтисод, маданият бу савдо ва қарвон йўлининг ривожига катта таъсир кўрсатганлиги тарихий ҳақиқат. Энди бевосита Хартанг қишлоғига тўхталасак. Уз бошидан кўп тарихий воқеаларни кечирган бу тарихий жой ҳақидаги маълумотлар бизнинг давримизгача кам этиб келган. Тарихий манбаларда бу жойининг номи эсланган ва унда имом ал-Бухорийнинг қабри борлиги айtilган. XII аср ўртасида яшган тарихчи сайёх Сомоний ва XII асрда ҳаёт кечирган араб тарихчиси Ёқутлар Мовароуннахрнинг ириқ шаҳар ва қишлоқларини санаб ўтаркан Хартангнинг номини ҳам алоҳида кайд этган. XIV асрнинг бошида Мовароуннахрга саёхат қилган тарихчи-сайёх

Машриқзамин дарғалари ВАТАН АЪЛО!

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи чоррағида яшаб ижод қилган истеъдодли шоир, адабиётшунос ва мушиқашунос олиму Муҳрибийнинг «Газират уш-шўра», «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» ва «Хотироти Муҳрибий» асарлари сақланиб қолган. У машҳур бухоролик шоир Ҳасан Нисорининг шоғирди бўлиб, ўз устозининг «Музақари ахоб» асари аъналарини давом эттирган ва ўз даврининг барча йирик шоир ва адиблари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи асарлар яратган эди.

Шоир бир кам етмиш ешида ўз асарини ўша даврдаги Ҳиндистон подшоҳи Жаҳонгирга тақдим этиш учун Лоҳур шаҳрига боради. Подшоҳ уни яқин кутиб олади, ўз аждодлари ватани бўлмиш Самарқанд ҳақида, Амир Темур макбараси ҳақида, ўша давр хуқмдорлари ҳақида сўрайди. Шоир Муҳрибийга: «Менинг раҳматли отам ҳуқмронлик қилган даврдаги шоирларнинг ноиларини ўз ичига олган бир неча варақни мени ўспиринлик давримда битиб қўйган эдим, лекин у жуда қисқа. Қайтадан ишлаб ўз асарингизга қўшсангиз кўп яқин бўлар эди», дейди. Муҳрибий, Жаҳонгирнинг отаси, яъни подшоҳ Муҳаммад Акбар замонида яшаб ижод этган саксон нафар шоир тўғрисидаги бу маълумотларни ўз асарига киритиб, уни «Нусхайи зебайи Жаҳонгир» дея подшоҳга тақдим этади. Бундан мамнун бўлган Жаҳонгиршоҳ Муҳрибийни қимматбаҳо инъомлар билан тақдирлаб Ҳиндистон юртида қолишни тақлиф қилади.

«Баъзи аркони давлат, олий мансабдорлардан хазрати олийларининг биз ватандан кечиб, бир умрга унга навар бўлиб қолишга рози бўлсак... бизга бир умрга нафақа, инъом ва руҳийлик беришга ҳоризонлик кўраётганликларини эшитдим... деб ёздилар шоир ўзининг «Хотироти Муҳрибий» асарида. «Биз инъомларни аввало ўзимиз учун катта фахр деб билдик, қолган умрни Оллохнинг ноиб Жаҳонгир подшоҳ хизматига ўтказмоқчи ҳам бўлдик...» Лекин Ватанга бўлган муҳаббат қалбимни чуқур камраб олиб, бу орзу орқага сурилади. Бундан ташқари, подшоҳ ҳузурида мулозимликда қолишнинг иложи йўқлигига бошқа сабаб - ешнинг ўтиб қолганлиги, қариллик ва куч-қувватнинг кетганлиги ҳам бўлди».

«Э, ҳурматли зот, - деб ўз ўқувчиларига хитоб қилади Муҳрибий, - ёдингга бўлсин, подшоҳларга хизмат қилиш фойдали бўлса-да, ҳаёт учун хавфлидир... Улуг одамлар подшоҳга хизмат қилишни дараёда сайр қилишга беғиж қис қилмаганлар!» «Менинг кўлқаримда, юртинга қайтишга руҳсат олишга ҳаракат қил, болаларингни ва қариндош-уруғларингни узок куттириб хоритма», деган муқаддас нидо жаранлар эди», - дейди Муҳрибий. Шундан сўнг, меҳмон шоир билан юрт ҳуқмдори ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади: - Рухсат олганингиздан сўнг қаерга борасиз? - деб сўрайди Жаҳонгиршоҳ. - Самарқандга қайтаман, - деб жавоб қилади Муҳрибий. - Не вақдан қайтмоқчисиз? - деб сўрайди подшоҳ. - У ерда менинг оилам бор, сизнинг совғаларингизни уларга етказмоқчиман, токи улар ҳам сизнинг сийхат-саломатлигингизга дуо қилишсин, - дейди шоир.

«Ойланг неча киши? - яна сўрайди шоҳ. - Йилгирча киши, - дейди шоир. - Сен мена билан қолганинг керак. Самарқандга эса икки минг руийи жунатамиз. Бу сенин оиланг учун, токи уларни бу ерга, сенинг қошингга қучириб келгунарчига этиб туради, - дейди шоҳ. Аммо Муҳрибий сўзидан туриб олади. Шоҳнинг кайфияти бузилади ва: - Сен бизни мажбур қилиб, кетишинга руҳсатнома олмақчисан. Нима ҳам қилдик, биз ҳам бировни мажбур қилиб олиб қолишни истамаймиз. Шоҳ шундай деди-ю, газабноқ кузларини қўли билан тўсиб, имо-ишора билан кетишга руҳсат қилади. Ҳа, шоир Муҳрибий учун подшоҳлар марҳаматидан ўз ватани аълоқ эди. Биз ватанпарвар аждодимиз Муҳрибийга яратган раҳматлар ва бу воқеани ўзининг «Тарихдан сабоқлар» китобида дарж этган олиму Бурйоби Аҳмедовга марҳамат тилаб ҳикоямизни яқунлаймиз. М.ХУДОЙҚУЛОВ.



Тандир тўлиб ётиди нон...

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Юкори Чирчак туманидаги «Гулистон» корпорациясининг Усмонобод агрофирмаси дала шийпонига тушлик чоғи «Лазги» ашула ва ракс ансамбли санъаткорлари таширф буюришди. Агрофирма аъзолари ва хашарчи теримчилар учун ташкил этилган бу концертда ансамблнинг дилрабо куй ва қўшиқлари, шўх рақслари ижро этилди. Дала меҳнаткашлари уларга жўр бўлишди. Мукаррама Турғунбоева номидagi «Ўзбекракс» миллий ракс бирлашмаси пахта йиғим-терими бошланиши билан пойтахт вилояти туманлари пахтакорлари ҳузурида дастурлар намойиш этишни йўлга қўйди. Бу концертларда бирлашманинг «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ашула ва ракс ансамбллари, «Тановар» ракс театри фаол иштирок этмоқда.



Б.МАНСУРОВ, Ҳ.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитасида XIII Осиё ўйинларига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Бу ўйинлар шу йил 6 декабрдан 20 декабрга қадар Бангкокда ўтади. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Ўзбекистонда 341 спортчи бу ўйинларда спортинг 26 тури бўйича мусобақаларда иштирок этади. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма командаси Бангкокда ўтадиган Осиё ўйинларида 1994 йилги Осиё чемпиони номи химоя қилиши керак. Куръа ташлаш натижасида команда G гуруҳига тушди. Непал, Мўғлистон ва Кувейт спортчилари футболчиларимиз рақиб бўлади. Миллий олимпия қўмитаси «Осиё интур бизнес» акциядорлик жамияти билан биргаликда спортчиларимизни қўллаб-қувватлайдиган гуруҳни тuzмоқда. Ўзбекистондан 400 га яқин турист XIII Осиё ўйинларини томоша қилиши мумкин. /Ҳ.ҲА/

Logo for 'Mashriqzamin darfgalari' with contact information for Mirziyozov.

Advertisement for 'Boz' (Boss) featuring Mirziyozov.

Advertisement for 'Kasaba' (Carpenter) with contact details.

Advertisement for 'Sharq' (East) featuring a concert by Korxon.

Advertisement for 'Sharq' (East) featuring a concert by Korxon.